



ЗАМБУРУҒЛИ СТОМАТИТЛАРДА ЦИТОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАР

Юлаева Ирина Андреевна

Самарқанд давлат тиббиёт
университети ассистенти

Шайқулов Ҳамза Шодиевич

Самарқанд давлат тиббиёт
университети катта ўқитувчиси

Шодиев Жавохир Ҳамзаевич

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институту талабаси

Аннотация. Оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватларида сурункали замбуруғли яллиғланиш патогенезида ўзига хос аллергик компонентлар – шиллиқ қават ҳужайраларининг эксудатларида аниқланиши, бу жараённинг қай даражада кечаётганлигини объектив баҳолаш ва қўлланилаётган терапия самарадорлигини баҳолашга имкон беради.

Калит сўзлар: Яллиғланиш, аллергия, эозинофил, лейкоцит, оғиз бўшлиғи, шиллиқ қават, сурункали замбуруғли касалликлар, стоматология.

Кириш.

Амалий тиббиётнинг бошқа соҳаларида бўлгани каби, стоматологияда ҳам оғиз бўшлиғидаги сурункали яллиғланишлардаги ажратмаларни ситологик текшириш, организмнинг реактивлик ҳолатини ўрганиш, ушбу яллиғланиш жараёнининг қай даражада кечаётганлигини объектив баҳолаш ва қўлланилаётган терапия самарадорлигини аниқлаш учун хизмат қилади (1, 4-7). Яллиғланиш патогенезида ўзига хос аллергик компонентларнинг мавжудлиги, ва шунинг учун объектив кўрсаткичлардан бири бўлган эозинофил ҳужайраларининг инфилтратсияси ташхислашда аҳамиятли ҳисобланади (3,8,11). Яллиғланиш ўчоғида эозинофил ҳужайраларининг тўпланиши ва кейинчалик уларнинг тўқимадан ажралиши антигеннинг антители билан бирикиши ва ўзаро таъсирланиши натижасида юзага келадиган "орган - шок" реакцияси сифатида қаралади (5, 9,14). Шу муносабат билан, юқори нафас йўллари ва оғиз бўшлиғидаги яллиғланишнинг сурункали касалликларида аллергик омилни аниқлашда эозинофилларни аниқлаш катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланган.

Тадқиқотнинг мақсади.

Оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватларида сурункали замбуруғли касалликлари бўлган беморларда яллиғланиш эксудатларида эозинофил лейкоцитларини аниқлаш.

Материаллар ва усуллар.



Биз сурункали стоматит билан оғриган 311 беморларда (183 эркак ва 128 аёл) касалликнинг давомийлиги 2-3 ҳафтадан 3-5 ойгача ва ундан кўпроқ вақт давомида кузатдик. 311 беморнинг 60 тасида оғиз бўшлиғи шиллик қаватларининг замбуруғли инфекцияси аниқланган. Ташхис махсус микологик тадқиқотлар (оғиз бўшлиғи шиллик қаватларидаги оқ пардалардан олинган суртмалар Грам усулида бўялиб микроскопия қилиш ва Сабуро муҳитига экиб, соф култураларини изоляция қилиш) билан тасдиқланди.

Олинган суртма-препаратлар шиша ойначаларга фиксацияланиб Романовский-Гимза усулида бўялгач микрокопик ўрганилди. Хужайра элементларининг, айниқса эозинофил лейкоцитларининг ҳолати микроскопик тарзда баҳоланди. Эозинофил лейкоцитлар хужайраларнинг микдорий нисбати уларнинг ҳар 100 та хужайра элементининг умумий сонига нисбатан ҳисоблаш йўли билан аниқланди.

Тадқиқот натижалари.

25 нафар беморда аспергиллус, 16 нафарида кандида, 11 нафарида пенитсиллиум, 4 нафарида алтернария, 3 нафарида кладоспориум туркумидаги замбуруғлар касаллик қўзғатувчлари эканлиги аниқланиб, 1 ҳолатдагина замбуруғлар аниқланмади.

Оғиз бўшлиғи шиллик қаватларида замбуруғли касалликлари бўлган 60 беморда ва назорат қилиш учун сурункали стоматити бўлган 32 бемордан олинган ажратмалар цитологик текширилди.

Олинган текшириш материаллари лабораторияга 2 соат ичида етказиб келинганлигини инобатга олсак, хужайра элементларининг лизиси интраваскуляр равишда содир бўлганлигини кўриш мумкин.

Суртмаларнинг таркиби цитологик ўрганаётганда, нейтрофилияси секрециянинг йирингли табиати билан янада боғлиқ эканлиги аниқланди. Шуниси қизиқки, замбуруғлар ва бактериялар фонида нейтрофиллар сонининг кўпайиши барча ҳолатларда аниқланади.

Кузатилган беморлардан (12% дан 81% гача) суртмаларда эозинофилиясининг турли даражадаги ўзгарганлигини гувоҳи бўлдик (1-жадвал).

1-жадвал

Шиллик қават суртмаларининг цитологик таркиби




Ажратмалар табиати	Макрофаг (%)	Нейтрофил (%)	Лимфоцит (%)	Моноцит (%)	Эозинофил (%)
Йирингли ажратмалар	1,8	48,1	9	1,3	38,3
Шиллиқли ажратмалар	2,2	41,7	9,2	0,5	46,5
Дифференциаллашмаган	1,9	45,5	9,1	1	41,6

Суртма - препаратларни ўрганишда - оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватларининг замбуруғли шикастланиши бўлган беморларда олинган текширув материалларида 60 нафар беморнинг 45 нафарида турли миқдорда эозинофил хужайралари топилди.


Бизнинг тадқиқотимизда пролифератив бузилишининг морфологик белгилари касалланган одамлар шиллиқ қавати суртмаларида қуйидагича аниқланди (1-расм). Икки ядроли хужайралар сонининг кўпайиши пролифератив фаолликнинг ошиши ва регенератив жараёнларнинг кўпайишимиз мумкин. Кўп ядроли эпителия хужайраларининг пайдо бўлиши кўпинча хужайраларнинг бир-бири билан бирлашиши ёки цитотомия жараёнининг бузилиши билан боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида стресс, микробиял инвазия, яллиғланиш жараёнлари каби турли омиллар таъсирининг натижаси бўлиши мумкин.

1-расм


Лунж эпителийсидан олинган суртмада Цитологиик ўзгаришлар:




а




б




с



д



е



ф

а — нормада; б — микроядроли; с — протрузия; д — икки ядроли хужайралар; е — кариорексис; ф — кариолизис.

7 нафар беморда кўп миқдордаги эозинофиллар (7 дан 10% гача ва ундан юқори), 18 нафаридида - ўртача (4 дан 6% гача) ва 20 нафаридида – кам миқдордаги эозинофиллар (1 дан 3% гача) аниқланди. Сурункали йирингли стоматити бўлган (замбуруғли табиатга эга бўлмаган) 32 нафар беморнинг 15 нафаридида эозинофиллар топилди, аммо бу ҳолларда уларнинг сони ҳеч қачон 5% дан ошмади.

Оғиз бўшлиғи шиллик қаватлари суртма - препаратларни ўрганишда кўп миқдорда эозинофиллар топилган беморларнинг анамнезини таҳлил қилинганда бу беморларнинг кўпчилигида турлича бўлган юқумли касалликлар (қизамиқ, скарлатина, грипп) болалик давридаёқ оғир даражада



ўтганлигини аниқладик. Бундай беморларда касалликнинг давомийлиги ҳам сезиларли даражада чўзилганлиги маълум бўлди. Стоматит тез-тез бўлиб туриши, узоқ давом этиши билан характерланар эди. Аллергия тарихини ўрганишда 4 нафар беморда озиқ-овқатга нисбатан аллергия борлиги, 5 нафарида турли дори-дармонларни қабул қилма олмаслик, 6 нафарида вазомотор ринит, 3 нафарида экзема, 3 нафарида қичима, 1 нафарида бронхиал астма борлиги аниқланди.

Параллел тадқиқотлар ўтказилганда ажратмалардаги эозинларнинг миқдори периферик қондаги эозинофилларнинг миқдорининг - мутлақ сонининг кўпайиши билан тез-тез боғлиқлигини кўрсатди. Бу ҳолатни оғиз бўшлиғи шиллик қаватлари микозлари бўлган 11 нафар беморда қайд этдик.

Оғиз бўшлиғи шиллик қаватларининг замбуруғ касалликлари билан оғриган 60 нафар беморнинг 27 нафари периферик қонда эозинофилларнинг мутлақ сони кўпайганлиги аниқланди. Замбуруғли бўлмаган сурункали йирингли стоматит билан оғриган 32 нафар беморнинг 10 тасида эозинофилларнинг мутлақ сонининг кўпайиши, 3 нафарида эса кескин кўтарилган. Оғиз бўшлиғи шиллик қаватлари микозлари билан оғриган беморларнинг 19 нафарида бу кўрсаткичлар кескин ошган.

Хулоса:

Шундай қилиб, оғиз бўшлиғи шиллик қаватлари ва периферик қондаги эозинофилларнинг кўп миқдорда бир вақтда ортишини организмни замбуруғлар томонидан сезгирлигини ошганлиги ва аллергия белгиси сифатида қараш мумкин.

Адабиётлар.

1. Giyosovna, S. D., Fazliddinova, B. M., & Shodiyevich, S. H. (2023). FITOPATOGENLARGA QARSHI BAKTERIYALARDAN FOYDALANISH VA ULARNING SAMARADORLIGINI BAHOLASH. *IQRO*, 2(1), 78-82.
2. Sh, S. H., & Mamarasulova, N. I. (2023). ANTIBIOTIKLAR VA ANTIBIOTIKOREZISTENT LAKTOBAKTERIYALARNI BIRGALIKDA BOLALARDAGI ESHERIXIOZ KASALLIKLARNI DAVOLASHDA QO‘LLANISHI.
3. Shaykulov, X. S., & Boboqandova, M. F. (2023). ICHAK O‘TKIR YUQUMLI KASALLIKLARI BILAN KASALLANGAN BOLALARDA SHARTLI PATOGEN ENTEROBAKTERIYALARNING UCHRASHI. *GOLDEN BRAIN*, 1(4), 25-33.
4. Shaykulov, H. S., & Ubaydullaevich, N. D. (2023). BAKTERIAL ICHBURUG ‘BILAN OG ‘RIGAN BEMORLARNING IMMUN KO‘RSATKICHLARIDAGI AYRIM O‘ZGARISHLAR. *GOLDEN BRAIN*, 1(5),



- 163-167.
5. Костенко И. В., Крамаренко Т. А. Анализ данных в научных исследованиях с использованием критерия Пирсона //ИНФОРМАЦИОННОЕ ОБЩЕСТВО: СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ. – 2017. – С. 24-26.
 6. Расулова, М. Р., Юлаева, И. А., & Шодиев, Ж. Х. (2023). СОВРЕМЕННЫЕ МЕТОДЫ ДИАГНОСТИКИ ПЕРЕЛОМОВ КОСТЕЙ НОСА. *Talqin va tadqiqotlar ilmiy-uslubiy jurnali*, 1(17), 225-235.
 7. Расулова, М. Р., Юлаева, И. А., & Шодиев, Ж. Х. (2023). СОВРЕМЕННАЯ КЛАССИФИКАЦИЯХ ПЕРЕЛОМОВ КОСТЕЙ НОСА. *Talqin va tadqiqotlar ilmiy-uslubiy jurnali*, 1(17), 120-127.
 8. Расулова, М., & Индиаминов, С. (2019). Судебно-медицинские аспекты повреждений гортани при тупой механической травме. *Журнал проблемы биологии и медицины*, (1 (107), 159–162. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/problems_biology/article/view/2056
 9. Расулова, М., Юлаева, И., & Шодиев, Ж. (2023). ПЕРЕЛОМЫ КОСТЕЙ НОСА В ПРАКТИКЕ СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ. *Евразийский журнал медицинских и естественных наук*, 3(1 Part 1), 78-84.
 10. Саъдинов, П., Шайкулов, Х., Индиаминов, С., & Расулова, М. (2014). Клинико-эпидемиологическая характеристика стафилококковых энтероколитов у детей раннего возраста. *Журнал проблемы биологии и медицины*, (3 (79), 151–152. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/problems_biology/article/view/6274
 11. Хусанов, Э. У., Расулова, М. Р., & Шайкулов, Х. Ш. (2022). Особенности повреждений подъязычно-гортанного комплекса при тупой механической травме. *Астана медициналық журналы*, (S1), 262-265.
 12. Шайкулов Ҳамза Шодиевич, Эрматов Низом Жумакулович, Расулова Мухсина Розиковна, Шодиев Жавохир Хамзаевич, & Хожаназарова Саулехан Жубатировна. (2023). MICROSOFT EXCEL ЭЛЕКТРОН ЖАДВАЛИДАН ФОЙДАЛАНИБ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИНИ СТАТИСТИК ҲИСОБЛАШ. *INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY*, 1(4), 67–75. Retrieved from <https://uzresearchers.com/index.php/ijsr/article/view/691>
 13. Шодиевич, Ш. Х., & Нарзиев, Д. У. (2023). БОЛАЛАР ИЧАК ЭШЕРИХИОЗИНИ ДАВОЛАШДА АНТИБИОТИКОРЕЗИСТЕНТ ЛАКТОБАКТЕРИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ. *Talqin va tadqiqotlar ilmiy-uslubiy jurnali*, 1(17), 236-244.
 14. Юсупов, М., Шайкулов, Х., Жамалова, Ф., & Очилов, У. (2023). Иммуный статус детей с коли инфекцией, вызванной гемолитическими эшерихиями до и после лечения бифидумбактерином и колибактерином . *Журнал*



биомедицины и практики, 1(4), 164–168. <https://doi.org/10.26739/2181-9300-2021-4-24>

15. Юсупов, М., Шайкулов, Х., Одилова, Г., & Мамарасулова, Н. (2023). Раннее выявление ротавирусной инфекции у детей. *Каталог монографий*, 1(1), 1–68. Извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/monographs/article/view/27369>

